



Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболда кичик бизнесни инвестициялаш самарадорлигини ошириш

**Икромжон
Холмирзаев**

*Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти “Тармоқлар
иқтисодиёти” кафедраси ассистенти*

Аннотатсия

Хукуматимизнинг 2030 йилга бориб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини 70 фоизга етказиш вазифаси белгиланган бўлиб, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни инновацион ривожлантиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақолада узоқ муддатли истиқболда кичик бизнесни инвестициялаш самарадорлигини ошириш ва инновацион ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилган.

Kalit soʻzlar: Кичик бизнес, инвестиция, инновация, ЯИМ, чакана савдо.

Маълумки ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга қаратилган, қисқа ва узоқ муддатли даврларга мўлжалланган давлатнинг тегишли ислоҳот дастурлари ишлаб чиқилади. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши ўз навбатида иқтисодиётнинг тегишли соҳаларини ривожланишининг устувор йўналишлари ва давлат томонидан амалга ошириладиган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимидан ташкил топади. Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларини янада аниқлик киритиш, унинг илмий ва амалий аҳамиятини янада ошириш мақсадида кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришнинг муқобил сценарияларини ишлаб чиқдик.

Аввало мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши, кичик корхоналар амалиётига инновацияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган дастурларни тадрижий йўл билан, яъни кичик бизнесни инновацион ривожлантиришдаги дастурларни амалиётга тадбиқ этилишини шу темпда сақлаб қолиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Амалга оширилган таҳлиллар натижалари кўрсатишича, 2019 йилда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг ЯИМдаги улуши 56,5 фоизни ва иқтисодиётда банд бўлганлар

сонидаги улуши 76,3 фоизни ташкил этди.¹ 2020 йил жаҳонда рўй берган “Covid-19” пандемияси шароитида карантин чораларининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида, қатор корхоналарнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатилганлиги ва карантин тадбирларнинг аста секинлик билан юмшатили даврида кичик бизнес вакиллари учун 4,4 трлн. сўмлик мақсадли кредит маблағларининг ажратилиши² натижасида январь-сентябрь ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши 51,3 фоизга³ тенг бўлди.

Ҳукуматимизнинг 2030 йилга бориб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини 70 фоизга етказиш вазифаси белгиланган⁴ ва кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда қуйидаги дастурларни амалга оширилиши режалаштирилган:

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган солиқ турларини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш;

-чакана савдо ва хизматлар соҳаси айланма маблағларига бизнес учун пасайтирилган фоиз ставкалари бўйича кредитлаш амалиётини кенгайтириш;

-тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитининг эркинлигини чекловчи меъёрларни аниқлаш мақсадида қабул қилинган қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш.

-бизнес субъектларга берилаётган кредитларни бизнес фаолиятини турли гуруҳларга ажратиш орқали табақалаштирилган фоиз ставкаларидаги кредитлашни амалиётга татбиқ этиш;

-корхоналарнинг ҳажми, бизнес-стартап ва технологик инновацияларидан қатъий назар хусусий сектор корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

Юқоридаги ҳукуматимиз томонидан амалга оширилиши режалаштирилган вазифаларни инобатга олган ҳолда амалга оширган тадрижий прогнозларимиз натижалари шуни кўрсатадики, 2025 йилга бориб Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 63,2 фоизга, 2030 йилга бориб 70,0 фоизга тенг бўлиши мумкин.

2020 йилда бошланган “Covid-19” инқирозининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига салбий таъсирини инобатга олган ҳолатда, ҳозирги кунда ушбу глобал муаммо тўлиқ ўз ечимини топмаганлигидан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда вужудга келиши мумкин бўлган турли муаммоли вазиятларни инобатга олган ҳолатда пессимистик ривожланиш прогнозлари ишлаб чиқилди. Ушбу прогнозни ишлаб чиқишда қуйидаги вазиятлар инобатга олинди:

-кичик бизнесни кредитлаш жараёнидаги фоиз ставкаларининг юқори даражаси сақланиб қолиши ва кредитлаш амалиётидаги бюрократик тўсиқларнинг камайтирилмаслиги;

¹Малое предпринимательство в Республике Узбекистан в 2019 г. Государственный Комитет по статистике Республики Узбекистан. с. 9-10 – www.stat.uz

²Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотлари асосида https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/412064/

³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

⁴Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплексривожлантириш Концепцияси. <https://regulation.gov.uz/uz/document/9413>

- кичик бизнес субъектларининг етарли даражада етакчи мутахассисларга бўлган талабини қондирилмаслиги;

- кичик бизнес субъектларидан ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва шу каби бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан ихтиёрий-мажбурий тарзда ҳайрия маблағларини ундирилиш;

- коронавирус пандемиясининг илк даврида бўлгани сингари карантин чекловларининг яна қайтадан жорий этилиши;

- бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқишдаги етарли даражада билим ва кўникманинг етишмаслиги ва бошқалар.

Юқоридаги салбий оқибатларни инобатга олган ҳолда амалга оширилган прогнозларимиз натижаларига кўра, 2025 йилга бориб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 56,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2030 йилда 62,0 фоизга етиши кутилмоқда. Бу эса ўз навбатида 2030 йилгача кичик бизнесни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифани амалга ошириш нисбатан кечикиши мумкинлигидан далолат беради.

Шу ўринда президентимиз томонидан пандемиядан кейинги даврда иқтисодиётнинг “ўсиш нуқтаси” этиб белгиланганлиги ўз навбатида кичик корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш борасида мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишга устуворлик қаратилишидан далолат беради. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолатда кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни инновацион усулда ривожлантириш бўйича қуйидаги дастурларни амалга ошириш орқали соҳа ривожини жадал суръатларда бўлиши мумкинлиги эҳтимоли инобатга олинди. Фикримизча, кейинги йилларда кичик инновацион бизнесни ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес субъектлари томонидан инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва уларни инновацион фаолиятини рағбатлантириш бўйича давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

- инновацион маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан пастроқ кўрсаткичда имтиёзли кредитлар ажратиш (масалан, 7-10 фоиз);

- кичик бизнес вакиллари томонидан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тизимини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес вакиллари томонидан инновацион технологиялар, янги техникалар, инновацион маҳсулотларни ўзлаштириш жараёнига талаб этиладиган молиявий ресурсларнинг маълум бир қисмини давлат томонидан қоплаб берилиши (масалан, 1/3 қисмини);

- кичик инновацион бизнес бўйича старт-ап (Start-Up) лойиҳаларни тақдим этаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш;

- кичик бизнесни инновацион ривожлантиришда соҳа вакиллари билан олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг етакчи илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассислари ва олимлари ўртасидаги шартномалар тузишни кенгайтириш;

-кичик инновацион бизнес билан ўрта бизнес ўртасидаги инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш;

-кичик бизнес вакиллари томонидан инновацион фаолиятга йўналтирилаётган пул маблағларига солиқ имтиёзларини қўллаш ва бошқалар.

Амалга оширилган оптимистик прогнозларимиз натижаларига кўра, мамлакатимизда кичик инновацион бизнесни ривожлантиришга катта устуворлик қаратилиши ва бунда соҳа вакиллари учун кенг имкониятларнинг яратилиши шароитида 2025 йилгача бўлган даврда ҳукуватимиз томонидан белгиланган вазифани амалга ошириш эҳтимоли мавжуд бўлиб, прогноз қилинаётган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини 70 фоиздан ошириш мумкин бўлади. Шу билан бир қаторда, 2030 йилга бориб, ушбу кўрсаткични 80 фоизга етказиш имконияти мавжуд.

Фикримизча, кейинги йилларда юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолатда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этиш, жумладан, кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг ишлаб чиқилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш кўрсаткичига эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2018 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйичаасосий йўналишлар белгиланди. 09.06.2020 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида <https://president.uz/uz/lists/view/3639>
3. www.elibrari.ru/item.asp?id=32655152
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳмар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” // – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 20-б.
5. Малое предпринимательство в Республике Узбекистан в 2019 г. Государственный Комитет постатистике Республики Узбекистан. с. 9-10 – www.stat.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотлари асосида https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/412064/
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида
8. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплексривожлантириш Концепцияси. <https://regulation.gov.uz/uz/document/9413>